

ИПАКЧИЛИК ТАРМОҒИНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ

Усмонова Р.- ҚМШИ, к.ўқитувчи

Ражабов Ж.-ҚМШИ, ассистент

Ипакчилик тармоғини ривожлантириш биринчидан, ноёб ипак толаларини етиштириш учун, иккинчидан қишлоқ шароитида қўшимча даромад топиш, фойда олиш имконияти мавжудлиги учун муҳимдир. Пиллачилик озуқа базасининг таркибини, пилла ишлаб чиқариш ҳажмини келажак учун башорат қилиш мақсадида баъзи моделларни кўриб чиқамиз.

Ипакчилик тармоғини фаолиятини қуйидаги ҳолатлар кўринишида ифода этиш мумкин:

- маҳсулот ишлаб чиқариш учун турли ресурслар (меҳнат ресурслари, моддий ресурслар, энергетик ресурслар ва ҳ.к.) ажратилади;
- бунда ресурслар чекланган миқдорда, кам ҳажмдаги ресурслар сарфини амалга ошириш билан боғлиқ фаолият йўналиши самарали ҳисобланади;
- ресурсларни тақсимлаш босқичи ҳар бир ишлаб чиқаришнинг аниқ тури, яъни озуқа базаси, уруғчилик, пилла тайёрлаш ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бир нечта фаолият йўналишидан иборат бўлиши мумкин;
- ҳар бир фаолият йўналиши бир нечта ресурс турларига боғлиқ бўлади ва бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ресурслар сарфини ифода этади;
- ишлаб чиқаришнинг натижа кўрсаткичлари сифатида етиштирилган маҳсулотни сотишдан олинadиган фойда ҳисобланади.

Келтирилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш моделининг икки хил кўринишини кўриб чиқамиз.

Биринчи кўринишда ресурсларни тақсимлаш чизиқли модель кўринишида ифодаланади. Бу ерда мақсад функцияси сифатида мавжуд ресурслардан фойдаланиш натижасида олинadиган фойданинг умумий қиймати

топилади:

$$F(x) = \sum_{j=1}^n a_{ij}x_j = b_i \quad (i = 2, 3, \dots, m)$$

Ўзгарувчиларнинг манфий бўлмаслик шarti: $x_j \geq 0$

Бу модел ажратилган ҳамма ресурслардан тўлиқ фойдаланган ҳолда тизимнинг фаолият йўналишини аниқлайди.

Иккинчи моделда ресурсларни оптимал тақсимлаш жараёни ифодаланади. Мақбуллик мезони сифатида соф фойданинг максимал қийматини аниқлаш назарда тутилади.

$$F(x) = \sum_{j=1}^n a_{ij}x_j \rightarrow \max, \quad i = 1$$

Қуйидаги чегаравий шарт мавжуд ресурслар ва ажратилиши мумкин бўлган қўшимча ресурсларларни тақсимлашни инобатга олади:

$$F(x) = \sum_{j=1}^n a_{ij}x_j \leq b_i \quad (i = 2, 3, \dots, m)$$

Ўзгарувчиларнинг манфий бўлмаслик шarti: $x_j \geq 0$

Бу модель чекланган ресурслар шароитида мавжуд ресурслар ва ажратиладиган қўшимча ресурсларнинг мақбул тақсимланиш масалаларини ҳал этишда муҳим ўрин тутди. Бу ерда: a_{ij} – бир бирлик j – маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган i – ресурс тури; b_i – ажратилган i – ресурс миқдори; x_{ij} – j – маҳсулот ҳажми. Бу модел ечимини топишнинг дастурий таъминоти ишлаб чиқилган, унинг ёрдамида максимал фойда олишни таъминлайдиган ресурсларнинг турли тақсимотини ифодалайдиган ечимини компьютерда топиш мумкин.

“Ражабов Гулом - Г” фермер хўжалигидаги мавжуд ресурслар ва ипак куртидан олинадиган фойда таҳлил қилиб кўрилди. Ресурслардан фойдаланиб, хўжаликда 2006 йилда 91 кг, 2007 йилда 67 кг пилла етиштирилган.

Excel дастурининг “Поиск решения” усткурмаси орқали масала ечиб кўрилганда мавжуд ресурслардан фойдаланиб, 184 кг пилла етиштириш имкони мавжудлиги аниқланди.